

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/05.05. 2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ПАРПИЕВА ЮЛДУЗ РАВШАНОВНА**

**ТАРҚОҚ СКЛЕРОЗНИНГ КЛИНИК-РАДИОЛОГИК**  
**ДИССОЦИАЦИЯСИ ВА УНИ ДАВОЛАШ ЙЎЛЛАРИНИ**  
**ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Парпиева Юлдуз Равшановна**

Тарқоқ склерознинг клиник-радиологик диссоциацияси ва уни даволаш  
йўлларини оптималлаштириш..... 3

**Парпиева Юлдуз Равшановна**

Клинико-радиологические диссоциации рассеянного  
склероза и оптимизация его лечения..... 21

**Parpiyeva Yulduz Ravshanovna**

Clinical-radiological dissociation in multiple sclerosis and  
optimization of its treatment methods..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications ..... 45

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/05.05. 2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ПАРПИЕВА ЮЛДУЗ РАВШАНОВНА**

**ТАРҚОҚ СКЛЕРОЗНИНГ КЛИНИК-РАДИОЛОГИК**  
**ДИССОЦИАЦИЯСИ ВА УНИ ДАВОЛАШ ЙЎЛЛАРИНИ**  
**ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib649 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Якубова Марҳамат Миракравовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Аликулова Нигора Абдукадировна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Джурабекова Азиза Тахировна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат стоматология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+998 78) 150–78–28, e-mail: [info@tma.uz](mailto:info@tma.uz)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+998 71) 214–82–90

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Р.Ж. Матмуродов**

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Р.Б. Азизова**

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Д.К. Хайдарова**

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблилиги ва зарурати.** Дунёда тарқок склероз (ТС) – сурункали демиелинизацияланувчи сурункали яллиғланиш касаллиги бўлиб, асосан ёшларда кўпроқ учрайди. Охирги йилларда ушбу касаллик сурати 5 марта ошиб борганлиги туфайли ёш даврдаёқ секин-секин ногиронликка олиб келиши ва жамиятдаги ўрнини эрта йўқотишига олиб келмоқда. Халқаро тарқок склероз ассоциацияси атласи маълумотларига кўра, бутун дунё бўйича тарқок склероз билан касалланган беморлар сони 2023 йилга келиб 2 900 000 кишига етди ва глобал масштабда тарқалишнинг гендер нисбати ортиб, ҳозирги кунда аёллар ва эркеклар орасида касалланиш 4:1 нисбатни ташкил қилмоқда<sup>1</sup>. Касалликнинг профилактик чора-тадбирларнинг оптималлаштириш эрта ногиронлик даражасини камайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Магнит резонансли томография (МРТ) текширувлари касалликнинг радиологик белгилари пайдо бўлишини илк босқичдаёқ аниқлашга имкон беради, бу эса симптомлар ҳали кузатилмаган вақтда ҳам касалликни ўз вақтида даволаш имконини яратади. Шунингдек, ТСнинг иммунологик хусусиятлари касалликни даволашда иммун тизимини кучайтирувчи дори воситаларини қўллаш зарурлигини кўрсатади.

Жаҳонда ушбу омиллар билан бир қаторда ижтимоий-иктисодий, экологик, этнографик ва маиший омилларга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Бу омиллар касаллик эпидемиологиясини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. ТС тарқалишининг этиологик ва иммунологик хусусиятлари, ташҳислашдаги патогенетик-биокимёвий текширувларнинг замонавий турларининг йиллар давомида такомиллашиб келаётганини кўришимиз мумкин. Клиник-радиологик диссоциацияланган синдромларнинг илк давридаёқ ўрганшнинг аҳамияти, касаллик сифатида жадаллашиши ва оқибатида қисқа вақт оралиғида ногиронликнинг ривожланишини олдини олишга катта эътибор қаратилган. Шу ўзгаришларга монанд ҳолда даволашни оптималлаштиришга қаратилган даво чора-тадбирларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш ва соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш йўлида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида «...тиббий меҳнат кўригидан ўтказиш ва ногиронликни аниқлашнинг шаффоф, замонавий усул ва мезонларини жорий қилиш, ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу мақсадлардан келиб чиқиб, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини ошириш билан бирга, ТС ривожланган беморларда эрта ташҳислаш ва ногиронликни камайтиришга йўналтирилган профилактик тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Халқаро тарқок склероз ассоциацияси атласи. (2023) Available at: <https://www.atlasofms.org>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фармон ва қарорлари – 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли (2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ҳақида), 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сонли (Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятида янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш ҳақида), 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли (Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳақида), 2018 йил 30 августдаги ПФ-3925-сонли (аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш ҳақида) ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли (Тиббий профилактика ишларини самарадорлигини ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар ҳақида) – муҳим аҳамиятга эга. Мазкур диссертация тадқиқоти айнан ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга маълум даражада ёрдам беради.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тарқоқ склероз бўйича сўнги йиллардаги илмий изланишлар дунё бўйлаб етакчи марказларнинг касалликни эрта ташҳислаш ва самарали даволаш стратегияларини ишлаб чиқишдаги муҳим аҳамиятини тасдиқлайди. Бу марказлар замонавий тадқиқот методларини яратиш, янги даволаш усулларини синовдан ўтказиш ва беморларга юқори даражадаги даволаш хизматини кўрсатиш билан шуғулланади.

АҚШ Миллий Саломатлик Институти (НИН) ТС бўйича кенг қамровли клиник ва фундаментал тадқиқотларни молиялаштириб, касалликни ташҳислаш ва даволашга доир янги стратегияларни ишлаб чиқишда етакчи ўрин тутди (Hauser S.L., et al. (2017). Майо клиникаси ТСни ташҳислаш ва даволаш бўйича илғор марказлардан бири ҳисобланса, Кембриж университети (Буюк Британия) ТСнинг этиологияси ва патогенезини ўрганишга қаратилган тадқиқотларни амалга оширади. Каролинска институти (Швеция) иммун тизими ва ТС орасидаги муносабатларни ўрганиб, янги иммунотерапия усулларини ишлаб чиқишга ихтисослашган. Монреал неврологик институти (Канада) эса касалликнинг нейроиммунология ва нейровизуализация соҳаларида дунёда тан олинган тадқиқотлар олиб боради. Ушбу марказларнинг барчаси ТС бўйича глобал илмий ҳамжамият учун муҳим ресурс бўлиб, касалликни даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшмоқда. ТС тарқалишининг этиологик ва иммунологик хусусиятлари, ташҳислашдаги патогенетик-биокимёвий текширувларнинг замонавий ёндашувлари асосида тадқиқотлар амалга оширилмоқда (Comabella M., Montalban X., 2014). Бу тадқиқотлар ўз навбатида эрта ташҳис ва даволашни оптималлаштиришнинг замонавий ва тизимли ёндашувларини яратишга ёрдам беради (Kuhle J. et al., 2015).

МДХ мамлакатларида тарқоқ склероз клиник-радиологик диссоциациядан бирламчи-прогрессив тарқоқ склерозга айланиши шунингдек, баъзи беморларда касалликнинг аниқ клиник белгиларининг МРТда йўқлиги, ёки аксинча, МРТда

катта ўзгаришлар кузатилишига қарамай, клиник белгилар минимал даражада эканлигини олимлар ўз тадқиқотларида таъкидлаб ўтганлар (Попова Е., Брюхов В., Бойко А., Кротенкова М., Макаров Н., Колоколов О., Гусев Е., 2018; Дибривная К., Мельников М., 2018; Иващенко Е., Протасов И., 2019; Захаров А., Хивинцева Е., Повереннова И., Баранова О., 2021). Тарқоқ склерознинг бошланғич даврлари синдромларида ва жадал ривожланувчи клиник шаклларидаги даволаш ва реабилитация усулларида самарадорлиги бўйича ҳам бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Бойко О., Бойко А., Гусева М., 2018; Петров А., Ивашкова Е., 2019; Помников В., Самсоненко О., Сенькина А., 2020; Смагина И., Лунев К., 2022; Баранова Н., Грись М., Спирин Н., Власов Я., Захарова М., 2024).

Ўзбекистонда тарқоқ склероз тарқалишининг этиологик омиллари, патогенези, иммунологик хусусиятлари, ташхислашдаги патогенетик-биокимёвий текширувларнинг замонавий ёндашуви тамойилларига асосланган ҳолда даволаш ва профилактика чора тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Мухиддинова М.А. ва Якубова М.М. (2021) ларнинг илмий изланишларида тарқоқ склерозда S-100 оксиди ва зичлиги паст липопротеид кўрсаткичлари нейродегенерация жараёнининг активлигини кўрсатувчи прогностик омил эканлиги исботланган, шунингдек (Хамраева Г.Х ва Касимова М.С., 2021) кўздаги ўзгаришлар тарқоқ склерозда асосан ганглиоз хужайраларининг ўзгариши ва қонда нейроспецифик эндолаза (НСЕ) миқдорини ортиши ва кўриш ўткирлигига салбий таъсири аниқланган. Халимова Х.М., Парпиева Ю.Р. томонидан “Тарқоқ склерознинг даволаш усуллари” мавзусида 2022 йил ихтиро патенти (IP07257) олинган. Бироқ, тарқоқ склерознинг турли клиник ва радиологик шакллари диссоциациясини ўрганиш, ҳамда уларга асосланган ҳолда самарали даволаш усуллари ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган, прогностик мезонларни яратиш ва уларга таянган асосида даволаш усуллари такомиллаштириш бўйича кам сонли тадқиқотлар амалга оширилган. Шу сабабдан ушбу илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлар режасига мувофиқ №02-4974 “Аҳоли саломатлигини яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий профилактика ёрдамидан такомиллаштириш ва аҳоли саломатлиги учун ҳавф омилларини бартараф этиш” (2018-2022 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** тарқоқ склерознинг турли клиник ва радиологик шакллари диссоциациясини ўрганиш, шунга мутаносиб самарали даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

тарқоқ склероз клиник-радиологик ассоциатив ва диссоциатив шаклларида клиник-неврологик хусусиятларини ўрганиш;

тарқоқ склероз касаллигида кузатиладиган невровизуалогик (МРТ) кўрсаткичларни дифференциал таҳлил қилиш;

тарқоқ склерознинг клиник ва радиологик диссоциацияси ҳамда ассоциациясидаги нейроофтальмологик кўрсаткичларнинг нисбатини аниқлаш;

аутореактив хужайраларнинг кўрсаткичларини тарқоқ склероз касаллигида ўрганиш ва таққослама таҳлил қилиш;

олинган натижалар асосида тарқоқ склерознинг эрта ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш ва даво муолажаларини оптималлаштириш.

**Тадқиқот объекти** сифатида 115 нафар тарқоқ склероз билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг кўп тармоқли клиникаси неврология бўлимида амбулатор ва стационар даволанган беморлар, ҳамда назорат гуруҳига 30 нафар амалда соғломлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида беморлардан олинган клиник-анамнестик маълумотлар, МРТ ва нейропсихологик кўрсаткичлар, беморларнинг қон зардоби.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда тарқоқ склерозга чалинган беморларда клиник-неврологик ўзгаришларни аниқлаш учун Курцке шкаласидан (FS, EDSS), параклиник (МРТ, контрастли МРТ), нейропсихологик (MoCA, HADS), иммунологик (CD4, CD8, CD4/CD8, CD16, CD20, CD95, IL4, IL6, IL8, IL10, TNF- $\alpha$ , IFN- $\gamma$ ) текширувлар ва статистик усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

тарқоқ склерозда клиник ва параклиник кўрсаткичларнинг клиник-радиологик диссоциатив ва ассоциатив шаклларидаги хусусиятларининг мутаносиб ва номутаносиблиги аниқланган;

касалликда кузатиладиган бошланғич даврдаги дебют симптомларининг ташхислаш мезони ишлаб чиқилган;

тарқоқ склероз касаллигининг клиник-радиологик диссоциатив ва ассоциатив шаклларида иммун хужайралар ва яллиғланиш омилларининг миқдорий кўрсаткичлари касалликни кечишига таъсир қилувчи муҳим маркерлардан эканлиги асосланган;

касаллигининг клиник шаклларида мос равишда оптималлашган даволаш чора-тадбирлари ихтиро патенти (IAP07257) асосида ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тарқоқ склероз клиник-радиологик диссоциатив ва ассоциатив шаклларида неврологик, нейровизуалогик, нейроофтальмологик, иммунологик текширувлар асосида патогенетик предикторларни эрта аниқлаш;

замонавий диагностик текширувлар клиник, нейровизуал, нейроофтальмологик, иммунологик ва сўровномалар натижаларига таяниб эрта ташхислаш мезони ишлаб чиқилганлиги;

клиник, нейровизуал, нейроофтальмологик ва иммунологик детерминантларни ҳисобга олган ҳолда клиник-радиологик диссоциацияланган ва ассоциацияланган шаклларида даволашда дифференциал ёндошув қўллаб оптималлашган даволаш чора-тадбирларининг ишлаб чиқилганлиги;

юқорида қайд этилганлар тарқоқ склерозни даволашда иқтисодий харажатларни камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиланиши, ногиронликни камайтириши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, тадқиқотларнинг методологик жиҳатдан тўғри ташкил этилганлиги, танланган беморлар сонининг етарлиги ва қўлланилган замонавий усулларнинг мослиги билан белгиланади. Тадқиқотда бир-бирини

тўлдирувчи клиник-неврологик, нейропсихологик, иммунологик, инструментал ва статистик таҳлил усуллари асосида тарқоқ склерозда неврологик нуқсонларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланганлиги, ҳамда натижалар халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланиб, хулосалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тарқоқ склероз ташҳисида клиник, нейропсихологик, радиологик, офтальмологик, иммунологик тадқиқот усуллари асосида тарқоқ склерозни эрта ташҳислаш, аутореактив хужайраларнинг миқдорларини ва уларни касалликнинг клиник кечиши билан корреляцион боғланишларни ҳисобга олиб неврологик етишмовчиликни прогнозлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тарқоқ склерозни клиник-радиологик ассоциацияланган ва диссоциацияланган шаклларида неврологик етишмовчилик динамикасини ҳисобга олиб, дифференциалланган махсус даволаш тактикасини ишлаб чиқиш натижада асоратлар ривожланишини олдини олиш, тикланиш муддатини қисқартириш, сарф харажатларни камайтириш ва ногиронликни олдини олиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.** Тарқоқ склероз касаллиги клиник-радиологик диссоциациясида кузатиладиган клиник-неврологик ўзгаришларни эрта ташҳислаш мезонлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* тарқоқ склерозда клиник-радиологик диссоциатив ва клиник-радиологик ассоциатив шаклларидаги хотира ва хавотирлик орасидаги боғлиқликни МоСА ва HADS шкалалари ёрдамида боғлиқлиги асосланганлиги бўйича таклифлар ЎзР ССВ илмий техник-кенгашининг 2019 йил 13 июндаги 8н-р/231 сон билан тасдиқланган “Тарқоқ склерознинг бошланғич давр белгилари ва ташҳислаш алгоритми” номли услубий тавсияномага киритилган. Мазкур таклиф ихтисослашган тиббий муассасалардан Андижон вилояти сурункали касалликлар ва ногиронлиги бор болалар учун худудий тиббий реабилитация марказига 10.10.2024 йил ва Тошкент тумани Бўстонлик тумани тиббиёт бирлашмасига 11.11.2024 йилда амалиётга тадбиқ этилган. амалиётга тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлик:* таклиф этилаётган усул ҳаёт сифатини яхшилаш, реабилитация босқичларини такомиллаштириш шунингдек, ногиронлик даражасини камайтириш ва ижтимоий даҳлсизликни олдини олишга қаратилган. *Иқтисодий самарадорлик:* стационар шароитда даволанаётган тарқоқ склерознинг бошланғич давридаёқ ташҳислаш мезони дифференциаллашган ҳолда ташҳислаш, бунинг мезонида эрта даволаш чора-тадбирларининг олиб борилиши касалликни авж олиш даврларини олдини олиш ремиссия босқичининг давомли бўлиши, тиббий хизматнинг нарҳини камайиши туфайли 1.842.000 сум иқтисод қилинади. *Хулоса:* когнитив ва психоневрологик бузилиши бор беморлар бир йил давомида 2 маротаба 10 кун давомида касалхонада давланиши лозим. Бир кунлик харажат 184.200 минг сўмни ташкил этади. Олиб борилган даволаш

диагностик мақсаддаги ҳолатарни стационар даволашни йилик ҳаражати икки баробар кискариди.

*иккинчи янгилик:* касалликда кузатиладиган дебют клиник симптомларнинг бошланғич даврдаги ташҳислаш мезони ишлаб чиқилган ва ЎзР ССВ илмий техник-кенгашининг 2019 йил 13 июндаги 8н-р/231 сон билан тасдиқланган “Тарқоқ склерознинг бошланғич давр белгилари ва ташҳислаш алгоритми” номли услубий тавсияномага киритилган. Мазкур таклиф ихтисослашган тиббий муассасалардан Андижон вилояти сурункали касалликлар ва ногиронлиги бор болалар учун ҳудудий тиббий реабилитатсия марказига 10.10.2024 йил ва Тошкент тумани Бўстонлик тумани тиббиёт бирлашмасига 11.11.2024 йилда амалиётга тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлик:* таклиф этилаётган усул касалликнинг эрта босқичини аниқлаш, даволаш самарадорлигини ошириш, касалликнинг зўрайишини олдини олиб, беморларнинг саломатлигига ижобий таъсир қилиш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлик:* стационар шароитда даволанаётган тарқоқ склерознинг бошланғич давридаёқ ташҳислаш мезони дифференциаллашган ҳолда ташҳислаш ва ҳамда тиббий ёрдам кўрсатишга молиявий ҳаражатларни камайтириш, ходимларнинг иш вақтини қисқартириш имконини берди. *Хулоса:* касалликнинг эрта даволаш чора-тадбирларининг олиб борилиши касалликни авж олиш даврларини олдини олиш ремиссия босқичининг давомли бўлиши, тиббий ҳизматнинг нарҳини камайиши туфайли 1 нафар беморга 1.842.000 сўм бюджет маблағидан иқтисод қилинди.

*учинчи янгилик:* тарқоқ склероз касалликнинг клиник-радиологик диссоциацияси ва ассоциацияси шаклларида иммунологик (CD4, CD8, CD4/CD8, CD16, CD20, CD95, IL4, IL6, IL8, IL10, TNF- $\alpha$ , IFN- $\gamma$ ) миқдорий кўрсаткичларнинг касалликнинг кечишига таъсири қилувчи муҳим маркерлардан эканлиги асосланган ва Ўзбекистон Республикаси Ихтиролар давлат реестрида 30.12.2022 йилда рўйхатдан ўтказилган ихтиро патенти IAP07257 асосида. *Ижтимоий самарадорлик:* таклиф этилаётган усул касалликнинг даврларига мос равишда даволаш самарадорлигини ошириш, зўрайишини олдини олиш, беморларнинг саломатлигини тиклаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлик:* стационар шароитда даволанаётган тарқоқ склерознинг бошланғич давридаёқ ташҳислаш мезони ва қон биомаркерлари асосида, дифференциаллашган ҳолда ташҳисни қўйишга ва ногиронликни жадаллашишини олдини олишга ҳизмат қилади. *Хулоса:* бунинг мезонида эрта ташҳислаш ва даволаш чора-тадбирларининг олиб борилиши касалликни авж олиш олдини олиб, ремиссия босқичининг давомли бўлишига ва шу тариқа ўлим, ногиронлик кўрсаткичларини, стационарда даволаниш муддатларини камайтирди, молиявий ҳаражатларни қисқартирди.

*тўртинчи янгилик:* тарқоқ склерознинг клиник шаклларида мос равишда оптималлашган даволаш чора-тадбирлари ихтиро патенти (IAP07257) асосида ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Ихтиролар давлат реестрида 30.12.2022 йилда рўйхатдан ўтказилган ихтиро патенти IAP07257 асосида. *Ижтимоий самарадорлик:* таклиф этилаётган усул касалликнинг эрта ва реабилитация босқичларида даволашни оптималлаштириш шунингдек, беморларда ногиронлик даражасини камайтириш ва олдини олишга қаратилган.

*Иқтисодий самарадорлик:* стационар шароитда даволанаётган тарқок склерознинг бошланғич давридаёқ ташхислаш мезони дифференциаллашган ҳолда ташхислаш, бунинг мезонида эрта даволаш чора-тадбирларининг олиб борилиши касалликни авж олиш даврларини олдини олиш ремиссия босқичининг давомли бўлиши, тиббий ҳизматнинг нарҳини камайиши туфайли 1.842.000 сўм иқтисод қилинади. *Хулоса:* ТС касаллигида даволашнинг оптималлаштирилган усулини қўллаш беморлар неврология бўлимларида бўлганда бюджет маблағларининг тежалишига олиб келди. Касалликнинг даволаш, релапсини олдини олиш ва касаллик оқибатларини олдини олиш учун бюджет маблағларининг 1 беморга нисбатан тежалиши 1.842.000 сўмни иқтисод қилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий ишлар нашр қилиниб, улардан 5 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрлар рўйхатига киритилган журналларда чоп этилган, шундан 1 таси халқаро илмий журналда чиқарилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация 113 бетдан иборат бўлиб, кириш, боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва заруриятининг асосланиши тақдим этилган, мақсад ва вазифалар, объектлар ва тадқиқот предмети шакллантирилган, тадқиқотни Ўзбекистон республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кетма-кет баён этилган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича материаллар, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг **«Тарқок склерознинг этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхислаш ва даволаш тамойилларининг замонавий талқини (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида мазкур тиббий муаммонинг назарий моҳияти бўйича мавжуд бўлган адабиётлар маълумотлари таҳлил қилинган ва муаллиф адабиёт манбалари асосида тарқок склерознинг клиник-радиологик диссоциацияси, уларнинг тарқалиши ҳамда замонавий тушунчалар ҳақида маълумот тақдим этган. Шунингдек, ушбу синдромларнинг беморларда кечиши, клиник ва неврологик хусусиятлари юзасидан таҳлил ўтказилган. Муаллиф асосан замонавий, айниқса хорижий илмий манбаларга таянган ҳолда тадқиқотнинг зарурлигини асослаб берган.

Диссертациянинг **«Тарқок склероз беморларнинг клиник хусусиятлари, тадқиқот материаллари ва диагностика усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва методологияси хусусида маълумот берилган.

Тадқиқотлар 115 нафар тарқоқ склероз билан касалланган беморлар ва Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг кўп тармоқли клиникаси неврология бўлимида ва амбулатор шароитда даволанган беморларда (асосий гуруҳ) ва 30 амалий соғлом инсонларда (назорат гуруҳи) олиб борилган. Назорат гуруҳидагиларнинг ўртача ёши  $22,63 \pm 5,9$  ни ташкил этган, шулардан 53,3% эркеклар ва 46,7% аёллар бўлган. Асосий гуруҳдаги беморлар ёши 16 дан 39 ёшгача бўлиб, ўртача  $22,6 \pm 6,2$  ёшни ташкил этган, шулардан 23% эркек ва 67% аёллар бўлган. Касаллик давомийлиги ўртача  $4,43 \pm 2,8$  йилни ташкил этди. Тадқиқотдаги 39 нафар беморда (34%) касалликнинг бошланиш босқичини (дебют) кўрсатади, ремиттирланувчи тури 65 беморда (57%) аниқланди, 7 беморда (6%) иккиламчи жадаллашувчи босқичи, 4 беморда (3%) бирламчи жадаллашувчи босқичи аниқланди. Олинган натижалар тарқоқ склерозда дебют тури нисбатан кенг тарқалганини кўрсатади. Тарқоқ склероз ташҳиси МКБ10 ва клиник кечиши, шакллари ва МРТ маркерлари McDonald 2017 йилги қайта кўриб чиқилган мезони асосида қўйилди. Асосий гуруҳда 115 нафар беморлар клиник-радиологик, неврологик кўрсаткичларига асосан 2 гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳда (77 бемор) клиник радиологик ассоциатив (КРА) ва 2-гуруҳда (38 бемор) клиник радиологик диссоциатив (КРД) шакли бўлган. Тадқиқотда гуруҳдаги беморлар дебют ва тарқоқ склероз ташҳиси билан кечиш давомийлиги 5 йилгача бўлган беморлар бўлиб, улардаги аутоиммун муаммолар билан кечувчи ёндош патологияси борлар четлатилган.

Объектив текширув тартибига мувофиқ, органлар ва тизимларнинг физикал текшируви амалга оширилди. ТС билан касалланган беморларга неврологик статус умум қабул қилинган усулга мувофиқ клиник-неврологик текширувни ўз ичига олган ва даволаш динамикасида Курцке шкаласи (Expanded Disability Status Scale, EDSS) бўйича ногиронлик даражаси баҳоланган, ҳозирги давргача бўлган вақт давомида бундай кўрсаткичлар орасида классик баҳолаш варианты бўлиб келган (Cohen & Cutter, 2015). Когнитив функция, ҳавотирлилиқ ва депрессия ҳолатларини аниқлаш учун MoCA HADS шкалаларининг ўзбек миллатига мослаштирилган варианты қўлланилган (Ибодуллаев З.Р., 2016). Бош ва орқа мияларининг МРТ-диагностикаси "GE SIGNA Creator 1.5T" (General Electric Healthcare - АКШ) томографида стандарт импульс кетма-кетликлар (T1, T2, FLAIR) ва муҳим дифференциал ҳолатлар учун венадан юбориладиган контраст модда (магнийлек препарати 0,2 мг/кг миқдорда) ёрдамида ўтказилган. МРТ биринчи марта стационарга келганида, 3-6 ойдан кейин ва ҳар йили бир мартаба, хуруж ҳолатида эса зарурият бўйича ўтказилган. Кўз туби ҳолати офтальмологлар билан биргаликда HUVITZ HNT- 7000 VER 1.03.04A (Huvitz Co., Ltd., Жанубий Корея) аппаратида нейроофтальмологик ўзгаришлар аниқланган.

Қон зардобиди ва орқа мия суюқлигида яллиғланишни рағбатлантирувчи (IL-6, IL-8, TNF- $\alpha$ ), яллиғланишни сусайтирувчи (IL-4, IL-10) ва интерферонлар (IFN- $\gamma$ ) миқдори DIMENSION-EXL 200, SIEMENS, Германия аппарати ёрдамида иммунофермент анализаторида аниқланган.

Олинган натижаларни таҳлил қилиш учун SPSS Inc. (2018) томонидан ишлаб чиқилган «SPSS for Windows» дастурий таъминот тўпламидан фойдаланиб, гуруҳлар ўртасидаги t – ишонч коэффициенти (Студент-Фишер


фарқлар ишончилиги) мезони ва вариацион статистика усуллари асосида қайта ишлов берилган. Ўртача фарқларнинг ишончилиги Студент мезони бўйича 95% ишонч оралиғи билан баҳолангани ( $p < 0,05$ ). Шунингдек, клиник синов давомида олинган маълумотлар Windows 10.0 учун STATISTICA дастури орқали таҳлил қилинган. Амалдаги кўрсаткичлар ўртасидаги корреляция даражаси Пирсон корреляция коэффиценти ёрдамида корреляцион таҳлил усули билан аниқланган.

Диссертациянинг «Тарқоқ склероз клиник-радиологик диссоциацияси ва кечиш даврларига хос тадқиқот натижалари» деб номланган учинчи бобида тадқиқот доирасида олинган асосий натижалар келтирилган. Барча беморларнинг клиник-неврологик кўрсаткичлари Курцке шкаласи (Expanded Disability Status Scale, EDSS) ёрдамида таҳлил қилинди. Бу касаллик жараёни давомида беморларнинг неврологик ҳолати ва ногиронлик даражасини тизимли баҳолаш имконини берди.

Курцке шкаласи бўйича клиник-неврологик таҳлили ўтказилиб, ТСнинг клиник синдромлари КРА ва КРД гуруҳларида турлича тарқалганлиги аниқланди. КРД гуруҳида радиологик (РИС) ва клиник (КИС) чегараланган синдромлар 23 ва 10% аниқланди. КРА гуруҳида ТСнинг церебрал тури 36%, цереброспинал шакли – 21%, спинал тури – 3%, миёча шакли - 7% ни ташкил этди. Тарқоқ склерознинг РЧСда кўриш, когнитив ва эмоционал бузилишлари 18,6%; 12% ва 9,1% ҳолатларда аниқланди, ваҳоланки миёча ва ҳаракат бузилишлари аниқланмади. КЧСда барча клиник белгилар аниқланди: кўриш, ҳаракат, сезги, когнитив, миёча ва эмоционал бузилишлар 25%; 18,4%; 11,2%; 15%; 15% ва 12% ни ташкил қилди. Церебрал шаклида юқорида қайд этилган бузилишлар 18%; 23%; 23,1%; 15,4%; 7,7% ва 8,1% аниқланган бўлса, цереброспинал шаклида – 19,3%; 26%; 26%; 19,2%; 11,5% ва 3,9% ҳолларда учраган. ТСнинг спинал шаклида кўриш, ҳаракат, сезги ва когнитив бузилишлар 19%; 29%; 28,6%; 14,3% беморларда учраган бўлса, миёча ва эмоционал бузилишлар қайд этилмаган. ТСнинг миёча шаклида кўриш, ҳаракат ва сезги бузилишлари аниқланмади, миёчадаги бузилишлар барча беморларда (100%) аниқланган бўлса, когнитив ва эмоционал бузилишлар 16,7 ва 6% ҳолатларда кузатилди.

КРА ва КРД гуруҳларимизла ТСнинг клиник турлари нисбати таҳлил қилинди. ТСда неврологик белгиларни кенг тарқалиши асосан КРА гуруҳида кузатилди ва бу уларнинг касаллик жараёнидаги патогенетик механизмларининг кучлилигини кўрсатади. Уларда асосан парез ва параличлар (63,6%), қорин рефлексларининг йўқолиши (72,7%), координация бузилишлари (33,7%), тос аъзолари функцияси бузилишлари (36,3%) ва сезги бузилишлари (27,5%) кўринишида бўлди (1-расм).

Юқоридаги таҳлил натижаларига кўра, КРА ва КРД гуруҳларидаги клиник симптомлар турли даражада ифодаланиши КРА гуруҳда касаллик жараёнининг оғирлиги ва патогенетик ўзгаришларни жадаллашиб боришидан далолат беради, ҳамда даволаш стратегиясини янада самаралироқ ишлаб чиқишни талаб қилади.




Изоҳ: \* – гуруҳлар орасидаги фарқларнинг ишончлилиги -  $p < 0,001$ ; \*\* -  $p < 0,05$ .

### 1-расм. КРД ва КРА гуруҳдаги беморларда тарқоқ склероз симптомлари тарқалишининг дифференциал таҳлили

ТС беморларнинг 39% да кўрув нерви диски атрофияси кузатилган бўлиб, КРА гуруҳи беморларда 26% атрофия учрайди. Бу кўрсаткич ҳам анча юқори, лекин умумий кўрсаткичдан пастроқ. КРД гуруҳида фақат 13% беморларда кўрув нерви диски атрофияси кузатилган. Бу энг паст кўрсаткич бўлиб, КРД гуруҳида атрофия ҳолати анча кам учрайди. VISUS ўртача қиймати КРА гуруҳида VISUS қиймати  $0,72 \pm 0,27$  бўлиб, КРА гуруҳида ҳам кўриш қобилияти ўрта даражада бўлиб, VISUS қиймати  $0,8 \pm 1,21$ , яъни КРД гуруҳида кўриш қобилияти яхшироқ. КРА ва КРД гуруҳларда кўрув майдонининг ўзгариши 20% гача камайиши 25 ва 13% беморларда аниқланган бўлса, кўрув майдонининг ўзгариши 20% дан ортиқ камайиши – 25% ва 8% беморларда кузатилди. Юқоридаги гуруҳларда скотоманинг учраши 31 ва 9% беморларда, нистагм эса 50 ва 4% беморларда кузатилди. HADS шкаласи бўйича ҳавотирлик кўрсаткичи КРА ва КРД гуруҳларида  $12,27 \pm 0,42$  ва  $16,18 \pm 0,53$  баллни ташкил этган бўлса, кўрқув баллари эса КРД гуруҳида юқорироқ бўлиб, депрессия кўрсаткичлари  $3,8 \pm 0,13$  ва  $5,7 \pm 0,2$  баллни ташкил этди. Ушбу таҳлил шуни кўрсатадики, ТСнинг КРД шаклидаги беморларда кўрқув ва депрессия кўрсаткичлари нисбатан юқорироқ, яъни беморларда психоэмоционал стресснинг юқори даражада бўлиш эҳтимолини кўрсатади. Ҳавотирлилик кўрсаткичлари КРА ва КРД гуруҳида ҳам когнитив функциянинг асосан оператив хотира қисмига таъсир қилиб, МоСА шкаласидаги натижалар ҳам шуни тасдиқлади.

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида МРТ (McDonald 2017 йил) маркерларнинг дифференциал таҳлили КРА ва КРД гуруҳларида қуйидагича аниқланди (2-расм).

МРТ мезонлари бўйича таҳлилни кўрадиган бўлсак, 2 та ўчоқ ва 2 та клиник хуруж-КРА гуруҳида ушбу мезон 40% ҳолларда қайд этилган бўлиб, КРД гуруҳида бу кўрсаткич 20% ни ташкил этди ( $p < 0,05$ ). Бу тафовут КРА гуруҳидаги касаллик хуружлари сони кўпроқ эканлигини ва уларнинг МРТ кўринишлари билан мослигини кўрсатади.



Изоҳ: \* – гуруҳлар орасидаги фарқларнинг ишончилиги -  $p < 0,05$ .

## 2-расм. ТС МРТ мезони бўйича КРА ва КРД гуруҳларидаги пайдо бўлган ўчоқлар ва статистик тафовутлар


Юкстокортикал ўчоқлар КРА гуруҳида 78%, КРД гуруҳида 36% ҳолларда қайд этилди ( $p < 0,05$ ). Юкстокортикал, перивентрикуляр, инфратенториал ва орқа миёда ўчоқлар КРА гуруҳида сезиларли даражада кўп тарқалган бўлиб, бу уларнинг марказий нерв тизимидаги шикастланиш чуқурлигини, миелин толалари демиелинизацияси кенг тарқалганлигини, клиник хуружларни кўплигини ва касалликни жадаллашиб бориши ва чуқурлигидан далолат беради ва клиник симптомлар (парезлар, координация ва сезгини бузилишлари кўп учраши билан мос келди.



## 3-расм. Тарқоқ склерознинг бошланғич давр ташхислаш мезони

Ўтказилган клиник-неврологик радиологик ва иммунологик тадқиқотлар натижаларига асосланиб тарқоқ склерознинг бошланғич давр ташхислаш мезонини ишлаб чиқилди ва тадбиқ этиш учун таклиф қилинди (3-расм).

«Имунологик ўзгаришларнинг тарқоқ склерознинг клиник-радиологик диссоциатив ва ассоциатив шаклларидаги ўзгаришлар мажмуи» деб номланган диссертациянинг 4-бобида цитокинлар ва иммунологик кўрсаткичлар таҳлили келтирилган. Олинган маълумотлар антитаначалар синтезига жавоб берувчи CD20-лимфоцитлар миқдорини назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан статистик ишонарли 2,33 ( $p<0,001$ ) ва 1,95 ( $p<0,001$ ) маротаба КРА ва КРД гуруҳларда ортганини кўришимиз мумкин. Ваҳоланки CD4 хелперлар миқдори КРАда ўзгармаган бўлса, КРДда уларни 1,48 маротаба ( $p<0,01$ ) камайиши кузатилди, CD8 супрессорлар миқдори эса КРАда 2,73 ( $p<0,001$ ) ортган бўлса, КРД да 2,27 ( $p<0,001$ ) маротаба камайганини кузатдик. Бундай ўзгаришлар CD4/CD8 нисбатини пасайишига, айниқса КРДда (4 маротаба,  $p<0,001$ ) камайишига олиб келди. CD16 табиий киллер ҳужайралар сони иккала гуруҳда ҳам 2,36 ( $p<0,001$ ) ва 1,31 ( $p<0,05$ ) марота камайди. Олинган натижалар КРА гуруҳида кучли имун ўзгаришлар мавжудлигидан далолат беради. CD95 апоптоз рецепторларини тутувчи ҳужайралар сони 4,1 ( $p<0,001$ ) ва 2,57 ( $p<0,001$ ) маротаба ортиб нейронларни апоптоз йўли бўйича нобуд бўлишидан далолат берди, айниқса бу жараёнлар КРА гуруҳига хос бўлди (4-расм).



Изоҳ:\* – гуруҳлар орасидаги фарқларнинг ишончилиги -  $p<0,001$ ;

#### 4-расм. Цитокинлар ва иммунологик кўрсаткичларнинг гуруҳлараро таққосланиши

Маълумки, ҳар бир лимфоцит кўплаб антиген танувчи рецепторларга эга. Инфекцион омил билан Т- ва В-лимфоцитлар билан фаоллашуви уларни пролиферацияси ва дифференцировкасига олиб келади, жавоб реакция эса цитокинлар ёки бевосита антигенни рецептор билан боғланиши ҳисобига кечади. Ҳақиқатдан ҳам тарқоқ склерознинг КРД шаклидаги беморларда IgG ва IgM миқдори статистик аҳамиятли ўзгармади, ваҳоланки уларнинг миқдори КРА гуруҳидаги беморларда 7,75 ( $p<0,001$ ) ва 2,19 ( $p<0,001$ ) маротаба ортди. КРА шаклдаги тарқоқ склерозли беморларда с IgM ва айниқса IgG миқдорини ортиши яллиғланиш жараёни сурункали қайталанувчи кечаётганидан далолат беради. Шунини айтиш жоизки, IgA миқдорини ортишига мойиллик КРА гуруҳидаги беморларда кузатилган бўлса, КРД


гуруҳидаги беморларда 3,29 ( $p < 0,001$ ) маротаба меъёрий кўрсаткичларга нисбатан камайди ва маҳаллий иммунитетни сусайганидан далолат беради

Қон зардобида яллиғланишни рағбатлантирувчи (IL-6, IL-8, TNF- $\alpha$ ), микдорини аниқлаш уларни КРА гуруҳида 2,65; 45,54 ва 3,59 маротаба, КРД гуруҳ беморларда 2,23; 31,6 ва 3,12 маротаба ортганини кўрсатди, яъни уларнинг кескин даражада ортиши касалликнинг оғирлигига бувосита боғлиқ бўлди. Яллиғланишни сусайтирувчи цитокинлар микдори (IL-4 ва IL-10) ҳам КРА гуруҳида 10,4 ва 6,16 маротаба ортган бўлса, КРД гуруҳида 10,27 ва 10,06 маротаба ортиши кузатилди, яъни бу кўрсаткичлар ҳам касалликнинг оғирлигига боғлиқ бўлди. Интерферон IFN- $\gamma$  микдори КРА 1,71 маротаба ортган бўлса, КРД гуруҳида кўпам ўзгармади. Демак турли хил цитокинлар микдорини ўзгариши тарқоқ склерознинг оғирлик даражасига боғлиқ бўлди. Иммунологик кўрсаткичлар орасида кучли мусбат ва манфий корреляцион боғлиқликлар аниқланди. Гуморал иммунитет ва ҳужайрали иммунитет, интерлейкинлар, IFN-гамма) ўртасидаги боғлиқлик иммун жавобнинг яхлитлигини ва унга турли компонентларнинг ҳиссасини кўрсатади. Мусбат корреляциялар улар бир-бирини қўллаб-қувватлаши, манфий корреляциялар эса ўзаро мувозанатини таъминланишини кўрсатди. ТС диагностикасида клиник ва радиологик аломатлар орасидаги номуносибликни англаш муҳимдир. Айниқса, клиник белгилар ва радиологик тасвирлар ўртасидаги боғлиқлик ва иммун жавобни баҳолаш ТСни эрта диагностикаси, унинг кечиш жараёнини прогнозлаш ва самарали даволашда муҳим аҳамиятга эга.

